

22

-сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Кибрай шаҳар/туман.

«28» 01 2022

Ушбу шартнома "Тошкент сув таъминоти" МЧК, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

Кибрай тумани раҳбари Каримов Б.Ғ.

(Ф.И.Ш.)

шаҳсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи

Устаб асосида иш олиб борувчи директор Ф. Ҳоқимов

28-сон Б.М.С.М

(Ф.И.Ш., лавозими)

ичкигичи томондан, қуйидагилар хақида тузилди:

## I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиш 4650 сўм нарх буйича 1505 м<sup>3</sup> ни:1 м<sup>3</sup> сув учун 4650 сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда1 м<sup>3</sup> оқава суюқлик учун — сўм (+ККС 15%) + сўм (махсус устама ҳақ)

Шу тарихта шартноманинг умумий киймати 6998250 сўмни ташкил қилди.

Шу жумладан, бюджет маблағларидан — сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан

0154 ешиқмоқ ўрнида шу қўрсаткичлар асосида ички ю. ташкил сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари томонидан тўлов мунтазам (ойма-ой) тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисоббарак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни О'зДСТ 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичига "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш буйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ва Тошкент вилояти Ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги № 200-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун ва канализация хизматларига ҳам 1 м<sup>3</sup> 50 сўмдан махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиш бериш ва оқава сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат эгувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруфидоғи барча объектларининг (физика ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар хақида хабардор қилади.

## II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлакчаларни а ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувида автоматизацияни ювиш учун фойдаланиш катэгория ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгиларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилади ан технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилди.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминланган лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қисқалашдан ўтказиш ва ўрнаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказкичининг диаметри (калибри) ҳисоб-киتاب асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолга текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилди. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулия чегараси (сув ва оқава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқава қудуғи магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) “Истеъмолчи” ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш;
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вақтли орқали) бепул олиш;
- е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далolatнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қуриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилушига йўл қўймаслик;
- г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;
- е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларини ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчи”га жорий ойнинг охири кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳужалтидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурилма ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

#### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 7 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
- б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига қура бартараф этмаса;
- в) “Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз халақат берилган тақдирда;
- г) “Таъминотчи” томонидан режали олдин олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
- е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатишда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

#### 3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз ёки тасдиқланган сув бериш жадвали асосида таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва илгирини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, sanoatga мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишнинг текшириш;

д) “Истеъмолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутунлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

#### VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаш шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизғи жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг касддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабилан тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эритган қор сувларнинг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) “Истеъмолчи”ларга сув таъминотига улашиб ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

#### V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқаришган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар буйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициентни қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истеъмолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Ушбу ҳолат аниқланган тақдирда, ҳисоб-китоб шартноманинг 6.3 бандига асосан амалга оширилади.

#### VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” бутун дебиторлик қарздорлигини сўнгидириши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан камида 7 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур. “Истеъмолчи” чиқиб кетганидан сўнг, тамгалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр буйича)м<sup>2</sup>;

g – 9.81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

#### Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювишганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, пломбалари узилган бўлса сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

Суви ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўргача сарф буйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўпи қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори I гуруҳ истеъмолчилари учун — ушбу Қоидалар 87-бандининг «а» кичик банди буйича, II ва III гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қоидалар 87-бандининг «б» кичик банди буйича ҳисоб-китоб қилиниши;

6.3.5. “Истеъмолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларида сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага ашиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориб бўғинидаги қўйилган ҳамоя қопламасига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти четараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиб тапшланган кунга қадар ҳисобга олинади;

-Ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарар. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирини ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилир асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилиншига ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунга учун 0.4 % пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган ҳақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. "Таъминотчи" тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловнинг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари" ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида қўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилишига мувофиқ судлар томонидан қўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан ҳақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Маъқур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни қўрсатган ҳолда ёзма равишда оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома имзоланган кундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йилининг 31 декабригача амал қилади.

#### «ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ

«QIBRAY TUMANI SUV QOQOVA» FILIALI  
Manzil: 111200, Qibray tumani, budi  
Yulurova ko'chasi 1A-uy. Tel: 95-64-232  
X/1 2263 8000 8001 8149 8438  
ATB Iptore banki Chirchik filiali  
MFO 80478 STIR 261577953  
Bank: IBIT 36300  
Bank kodi: STIR:  
XXTUT:

Раҳбар: *Карғаб Б.Т.*  
М.С. (Ф.И.Ш. исми)  
2022 й.

«ТАЪМИНОТЧИ»  
28-СОҢБОЛАЛАР МУСИҚА САҢЪАТ МАҚТАБИ  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Енарик йили  
Ш/В 400622860272487096600056005  
СТИР 207 063 999 ОКОНХ 92310  
Моллабасорлиги таъинчилиги  
Х/Р 2340 2000 3001 0000 1010  
Маъқурий Банк Тошкент шаҳар, Б.Б. Хитой  
MFO 00014 STIR 201 122 919

XXTUT:  
Шахсий рақам:  
Шахсий х-р:  
Bank: *QIBRAY TUMANI SUV QOQOVA* STIR:  
Bank kodi:  
Ra'isbar: *Б.Т. Карғаб*  
М.С. (Ф.И.Ш. исми)  
2022 й.

#### Юридик ҳулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуққунос

*Карғаб Б.Т.*

28.01 2022 й.

Тошкент вилояти "Сув таъминоти" МЧЖ билан 28-сон БМСМ уртасидаги

2022 йилда 6998250 суммага тузилган № 22 - сонли шартномага

ИЛОВА.

Чораклар буйича	Бюджетдан ташкари маблағлар хисобидан			Бюджет маблағлари хисобидан			Жами:	
	Совук сув миқдори м.куб.	Нархи	Суммаси	Оқава миқдори м.куб.	Нархи	Суммаси	Миқдори м.куб.	Суммаси
I чорак	430		1999500,00				430	1999500,00
Январь	215	4650,00	999750,00				215	999750,00
Февраль	107	4650,00	497550,00				107	497550,00
Март	108	4650,00	502200,00				108	502200,00
II чорак	408		1897200,00				408	1897200,00
Апрель	215	4650,00	999750,00				215	999750,00
Май	96	4650,00	446400,00				96	446400,00
Июнь	97	4650,00	451050,00				97	451050,00
III чорак	451		2097150,00				451	2097150,00
Июль	215	4650,00	999750,00				215	999750,00
Август	118	4650,00	548700,00				118	548700,00
Сентябрь	118	4650,00	548700,00				118	548700,00
IV чорак	216		1004400,00				216	1004400,00
Октябрь	70	4650,00	325500,00				70	325500,00
Ноябрь	70	4650,00	325500,00				70	325500,00
Декабрь	76	4650,00	353400,00				76	353400,00
Жами:	1505		6998250,00				1505	6998250,00

**"ИСТЕЪМОЛЧИ"**

**28 - сон Болалар мусика санъат мактаби**

Адрес: Кибрай тум. Ёнарлик ҚФЙ

Ш / В : 400622860272487096600056005

Стир : 207063900 ОКОНХ : 92310

ОКЭД : 85310 СООГУ : 05684

Молия вазирлиги газначилиги

Газна Х/Р: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент Б.Б. ХККМ

МФО : 00014 СТУРМ - 201702019

Рахбар:



**"КОРХОНА"**

**Тошкент вилояти "Сув таъминоти" МЧЖ**

(етказиб берувчининг номи)

Ташкентская область, Кибрайский р-н

ул. У. Юсупова 1 "а" Кибрайский филиал


Х/р: 22638000800101498438

в Чирчикском филиале

АКИБ "Ипотека банк" МФО 00478

Стир: 201577953 Оконк: 90213

Рахбар:



*(Handwritten signature)*



✪ O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ✪  
YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA  
**GUVOHNOMA**

Reestr № 33-T

№ 403/33

2015 yil "25" dekabr

Mazkur guvohnoma

**"TOSHVILSUVODOVA"**

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**Davlat unitar korxonasi**

THSHT (OHΦ)

160

Mulkchilik shakli:

MSHT (ΦC)

213

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

**QIBRAY SH.F.Y. U.YUSUPOV KO'CHASI 1-UY**

MHBT (COATO)

1727248551

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (OKHO)

14938972

Asosiy faoliyat turi:

**Kommunal va maishiy suv ta'minoti**

XXTUT (OKOHX)

90213

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (IHH)

201577953

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Avval 29.12.2014 yilda Qibray tumani Hukimligidan №33 reestr

raqami bilan A.J. shaxsida qayta ro'yxatidan o'tgan bo'lib D.U.K.

A.J. ning xususiy vorisi bo'lib xisoblanadi

Vakolatli organ boshlig'i:

 **T. Halllov**

